Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
19 июль
ЧОРШАНБА

№ 56
(11.859)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Абитуриент — 2006

КАТТА СИНОВ БЎСАҒАСИДА

Шу кунларда мамлакатимиз олий ўқув юртларига қабул жараёни айни қизғин паллага кирди. Келажагимиз ҳисобланмиш илмга чанқоқ интилувчан ёшлар сафи кундан-кунга ортиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси изчил амалга оширилаётган Тошкент вилояти давлат педагогика институтида бу йилги абитуриентлар ўтган йилларга нисбатан анча кўп, — дейди қабул комиссияси раиси Исҳоқ Носиров. — Кундузги бўлимга ҳаммаси бўлиб 3000 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Агар 19 йўналиш бўйича 1240 нафар талаба қабул қилинишини назарда тутсак, чинакам кучлиларни рақобат муҳитида саралаб олиш имкони туғилаётгани аниқ. Абитуриентлар орасида ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар ҳам талайгина. Улар учун маълум қулайликлар мавжуд. Лекин қатъий талаб ва интизом асосида ўтказиладиган тест синовлари ҳақиқий билим ва иқтидор эгалари учун ортиқча қийинчилик туғдирмайди, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз иқтисоди ривожида муҳим ўрин тутувчи қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаб берадиган асосий олий ўқув юртларидан бири — Тошкент Давлат аграр университетига бу йил бакалавр йўналиши бўйича 1230, магистрлик йўналиши бўйича 212 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган.

— Бу йил магистратура талабалари учун яна 4 та янги йўналиш бўйича ўқув курслари ташкил этилди, — дейди қабул комиссияси раиси Азмиддин Сирожиддинов. — Бу йўналишлар магистрантларнинг қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган замона талабига мос мутахассис бўлиб етишишларида муҳим аҳамиятга эга.



СУРАТЛАРДА: *қабул комиссияларида ҳужжат топшириш пайти.*

Даврон АҲМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Ифтихор

КЕЧА ВА БУГУН КЎРГАН ОДАМЛАРИМ

Кўзимни юмиб, ақлимни танигандан буён англаган одамларни хаёлимдан бир-бир ўтказаман. Кечанинг одамлари ичида эсимда қолганлари ҳам кўп экан.

... Эломон бува урушдан икки оёғидан ажралиб қайтган эди. Подшипниклар ўрнатилган ясси аравачада қўлини ерга тираб қишлоқ айланарди. Қўллари қонаб кетарди, бечоранинг. Ҳамма унинг қон қўлларини олишга, кўнглини кўтаришга интиларди. Ватан учун жонини берган дейишарди, лекин ҳеч ким қайси Ватан эканлигини билмасди. Шу одам ҳам ўтиб кетди.

... Қаршибой бува бригадир эди. Эрта кетарди, кеч қайтарди. Бири икки бўлмасди, лекин чопонида ямоқ кўпаяверарди. Берганини оларди, ҳаққим қанча бўлди, деб бирон марта суриштирмаган. Вазифаси аниқ, пахтани етиштириб, давлатга териб беради, қолганини бошқалар ҳисоб-китоб қилади. Уч ўғли бор эди, учаласига ҳам ўзининг йўлини тутди. Ўқиб шаҳар олиб берармидинг, деб кетмон тутди. Деҳқоннинг боласи деҳқон бўлиши керак, деб ўйлар эди Қаршибой бува. Уй ҳам қурмади, отасидан қолган уйда уч оила яшайверишди. Уй қурсам текшир-текшир бошланади, деб қўрқар эди. Борига шукр, деди. Тепамдан ёмғир ўтмаса бўлдида, деб ўйлади. Самолёт дори сепиб ўтганда ҳам даласидан кетмас эди. Бутифос зарарли деганларнинг устидан куларди. Кейин... кейин ажал унинг устидан кулди. Шундай одам, хоксор одам нафақага етмай оламдан ўтди. Афсус...

... Турсунбой буванинг отасидан мойжувоз қолган эди. Қўли қичиб, шуни ҳовлига ўрнатди. Эшакни қўшиб роса айлантирди. Ўғли экишдан қолган бир қоп чигитни шийпондан кўтариб келди. Мойжувозга солиб янчиди, мой тушди. Хотинига айтиб, қозонда яхшилаб чучитди, сўнг озгина гуруч солиб, ош қилдирди. Отасининг руҳига фотиҳа ўқиди. Эрталаб эса, унинг қўлларига кишан солиб қамоқхонага жўнатишди. Давлатнинг бир қоп «хазинаси»га кўз олайтирибди, деган айб қўйилди. «Мен олмасам чириб ҳам кетарди-ку», деганига қарамай 6 йил беришди. Бува қамоқдан келиб узоқ яшамади, лекин ўлишидан олдин мойжувозни ҳовлининг ўртасига олиб чиқиб, ёкди. Армонининг ярмини ёқиб, ярмини ўзи билан олиб кетди.

... Хаёлимга отам кириб келди. «Пахта иши» деб не-не саркон кунларни кўрмади. Қамалиб кетсам она сути оғзидан кетмаган бу болаларимнинг ҳоли нима кечади, деб терговчиларга билдирмай йиғлаган отам-а. Сизни йиғлатганларнинг ўзи йиғлаб кетди, ота! Юртбошимизни икки гапининг бирида «мард одам» деб алқайди. 80 га кирди, ўлсам йиғламанглар, сенлар учун ҳам мен йиғлаб қўйганман, дейди.

... Мана бу ҳайрон одамлар ҳам биз томондан. «Мустақиллик», «Ҳуррият» деган гапларни англамай, бу яна нимаси экан деб ўйланиб турибди. Бир билимдони «Ҳа, буям қайта қуришдир-да» деб қўйди. Лекин гапнинг мағзини чаққанлар тобора кўпайиб бораверди, ҳайронлар уч-тўртта қолди, холос.

Бундан буёғини шаҳдам-шаҳдам айтиб бераман. Буёғи бошқача. Кўриб туриб ўзим ҳам ишонмайман. Наҳотки, деб қўяман. Лекин мени ҳеч ким алдаётгани йўқ, мени ишонтиришга ҳеч ким урингани ҳам йўқ. Ўзим кўриб турибман.

Кўрганимни сизга қандай айтиб берсам экан, ахир сиз ҳам уларни кўриб юрибсиз-да. Сиздан ўтказиб нима ҳам дердим. Майли, ҳар ким ўзининг билганини айтади-да...

... Мардон укамнинг каттаси бу йил 18 га кирди. Армияга бориб келсин, деб ўғли билан қўшилишиб ҳарбий бўлимга боради. Ўғли қолиб ўзи «бориши керак, йигитлик бурчини ўтаб келсин», деб жавоб бериб туради. Ҳарбий бошлиқ кулади «Тавба, илгари отаоналар боламни армиядан олиб қол, деб келарди, энди бўлса жўнат, Ватанни ҳимоя қилсин дейди». Ватани — Ўзбекистон эканлигидан ғурурланиб турган ўғли «турникка 100 марта дам олмай тортиламан, 32 кило тошни бир қўллаб кўтараман», деб тинимсиз жаврайди. Соғлом авлод қаторлашиб ўсмоқда, улар Ватан ўзиники эканлигига ишониб яшашади.

... Эгамберди фермер ер олганига ҳадемай беш йил бўлади. Даласини боласидек авайлаб-асрайди. Деҳқончилигини қотириб қўйган. Пахтаси ҳам мўл, дони ҳам мўл. Ҳисобида миллионлар айланмоқда. Аввал болаларимга бўлсин демади, аввал эни ўйлади. Шийпон қурди, йўл очди, сўнг... Ошхона, дорихона, устахона, бассейн. Бугун қишлоғида катта гузарни бошлади. Гузарлар фақат шаҳарда эмас, қишлоқда ҳам бўлиши керак, ўзбек гузарсиз яшолмайди деб ҳаммани ишонтириб ҳам қўйган.

Тўрт ўғлига тўрт жойда иморат бошлаб қўйди. Кўнглида қилаётган ишларидан ҳадик йўқ, эшиги очиқ одамга ўхшайди.

...Тақдирни қаранг-ки, мойжувозини ёқиб юборган Турсунбой буванинг катта невараси ишбилармон чиқиб қолди. Аввал эски усулларда атлас тўқишга киришди, кейин дастгоҳлар олди. Бувамнинг армони эди, деб чет элга бориб кичик ёғ корхонаси ускуналарини ҳам олиб келди. Тегирмони бор, энди эса маҳаллада энг кўп экиладиган нарса помидор экан, деб томат цехи қурмоқда. «Қимирлаган қир эмас, тоғ ошади, ака» деб менга ҳам ақл ўргатди. Хафа бўлмадим, ақли бор экан, қандини урсин. Замон шуларники.

Кеча кўрганларим билан бугун кўрганларимни солиштириб ўтириб, юрагимда бир ёруғлик сездим. Қаддим кўтарилиб, атрофга ёйилган ниғоҳим катталашиб кетди. Сизда ҳам шундай ҳолат кечадими, азиз замондошим!

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасида ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Фармон соҳа мутасаддилари, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштириш билан бирга, улар зиммасидаги масъулиятни анча оширди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда вилоят шаҳар ва туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари учун оналик ва болалик муҳофазаси масалаларига бағишланган ўқув машғулоти ўтказди.

Унда вилоятдаги барча шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича мутахассислар иштирок этишди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Нурия Туреева иштирокчиларга семинарни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва кутилаётган натижалар ҳақида сўзлади. Шунингдек, БМТнинг Болалар жамғармаси лойиҳаси бўйича Ўзбекистондаги маслаҳатчиси Оюнсаихан Дендевноров Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги халқаро ва маҳаллий дастурлар ҳақида тўхталди.

Семинар якунида иштирокчиларга сертификат берилди.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

НАВҚИРОН ҚАЛБЛАРДА ҒУРУР, ИФТИХОР

Ёш педагоглар Дилноза Алимова билан Камола Содиқова Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган вақтларидаги бир кунни ҳеч қачон унутишмаса керак. Бу ҳодиса бундан роппа-роса бир йил бурун юз берганди.

Ўша 15 июль куни, айтиш мумкинки, бу икки талаба Ғофуржон Муҳамедов, Норқўзи Қувватов, Убайдулла Абдиев, Лазиза Ғофурова, Зуҳра Исмоилова сингари таниқли педагог олимлар иштирок этган илмий-амалий конференцияда бошланғич синф, мактабгача таълим муассасалари катта ва тайёрлов гуруҳлари ўқув режалари ҳамда дастурларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлайдиган омиллар тўғрисида маърузалар билан чиқишди.

Лўнда қилиб айтганда, талабалар баён этган фикр-мулоҳазаларга анжуманнинг юқори малакали иштирокчилари бефарқ қарашмади. Чунки, улар мактабгача таълим муассасаларининг таянч дастурига рус, инглиз тиллари, компьютер сабоғи машғулотларини 4-5, орфографик ёзувга ўргатишни 5-6 ёшдан бошлаш, Ватан туйғуси, рус тили, информатика фанларини бошланғич синф ўқув режаларига киритиш таклифини дадил илгари суришди.

— Педагогик амалиёт жараёнидаги кузатувларим, тажрибали устозлар билан фикр алмашишлар пировардида шу тўхтамга келдим, — деди Дилноза Алимова.

Коллеж талабаларининг катта-кичик илмий-амалий анжуманлар, маслаҳат кенгашлари ёки семинар-тренингларда шу сингари истиқболли таклифлар билан чиқишлари тасодифий эмас. Бугунги талаба коллеж таълимининг муайян йўналишлари бўйича замонавий билимлардан баҳраманд бўлиб, амалий ишлаб чиқариш фаолияти учун етарли малака ҳосил қилмоқда. «Маҳорат — 2006» вилоят танлови буни яна бир бор тасдиқлади. Коллежларнинг таълим устахоналарида талабалар қўли билан ясалган агрегатлар, мосламалар, электрон приборлар, қурилиш анжомлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Табиийки, кўргазма давом этган кунлари коллежлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган машиналар ва электр ускуналарга кўплаб буюртмалар ҳам олишди. Умуман, бу йил давомида таълим устахоналари 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ ишлаб топиши кутилмоқда.

Нима демоқчимиз?

Айтмоқчимизки, бугунги касб-ҳунар таълими яқин ўтмишдаги ишчи ходимлар тайёрлаш тизимидан тубдан фарқ қилади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўсмирларни мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитидаги кескин рақобат муҳитида йигит-қизларимиз иш фаолиятини ишонч билан бошлашлари, ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларига кўмаклашувчи яхлит бир тизим шаклланди. Унинг «Ўқи, ўрган, излан — жаҳонга интил» шиори талабалар кўнглига сингиб, ҳаракатга, касб малакасини пухта эгаллашга даъват этмоқда.

Маълумотномадан: «Вилоятимиздаги 74 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей, 2 та махсус мактабда ҳар йили 52-53 минг талаба билим олаётир. 4047 малакали ўқитувчи-мураббий маънавий етук, Ватанга садоқатли, билимларни пухта эгаллаган баркамол авлодни тарбиялашга бутун салоҳият ва иқтидорларини сарфламоқда».

Ёшлар ўнта муҳим йўналиш бўйича замонавий касбларни эгаллашаётир. Айтайлик, энергетика ва саноат ишлаб чиқаришга тааллуқли касблар 16 та коллежда ўқитилаётир. Бу йил 4545 йигит-қиз ўқишни битириб, уларнинг аксарияти турли мулкий шаклдаги корхоналар ва фирмаларда иш бошлашмоқда. Металларга ишлов бериш, саноат машиналари ва асбоб-ускуналарини бошқариш, жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш мутахассисликларини эгаллаётган ёшлар ҳам жуда кўп. Бу жиҳатдан Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежининг тажрибаси ниҳоятда юқори. Унинг битирувчиларига «Ўзбеккимёмаш», «Электркимёсаноат», «ЎзКТЖМ», шунингдек, «ДЭКО» Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналарида ҳамиша талаб катта. Ўқишни битирган йигит-қизларнинг 80 фоизи одатда ўз меҳнат фаолиятларини ана шу йирик корхоналар цехларида бошлашади.

Коллежларда маиший хизмат ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияси, қурилиш ва миллий ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги касблари кенг миқёсда ўқитилаётир. Тиббиёт ва педагогика йўналишлари бўйича ўқишни битириб чиқаётган ёшлар ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга, соғлом ва билимдон авлодни шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Мамлакатимизда коллежлар қурилиши, улар таълим-тарбия бериш ва ишлаб чиқариш қўникмаларини ҳосил қилишнинг энг замонавий воситалари билан жиҳозланиши учун муттасил ғамхўрлик қилинмоқда. Шуни айтиш кифояки, янгидан қурилаётган ёки замонавий асосларда тубдан қайта таъмирланаётган коллежлар ҳисобига 18 мингга яқин ўқувчи ўрни ташкил этилмоқда. Ягона электрон тармоқни вужудга келтириш ва интернетга уланиш борасидаги ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб барча коллежларда тезкор ахборот алмашинув тизими йўлга қўйилади. Шу тариқа электрон услубий қўлланмалардан исталган вақтда фойдаланиш имкони яралади.

— Коллежларимизни замонавий таълим ва амалиёт воситалари билан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш мақсадларига хорижий сармоя ҳам кенг жалб қилинмоқда, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ҳасан Иброҳимов. — Бу борада Япония ва Польша давлатлари, Осиё тараққиёт банкининг кредитлари, айниқса, қўл келмоқда. Эндиликда бўлғуси мутахассислар янада замонавий техник анжомларда малакаларини оширадилар. Бундай даргоҳларни битириб чиқаётган ёшларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларида билим олиш ва ихтисосни чуқурлаштиришни давом эттиришаётир.

Коллеж ўқитувчиларининг услубий қўлланмалар, дарсликлар яратиши ҳам одатий ҳолга айланиб бормоқда. Вилоят ўрта-махсус таълим муассасаларининг ўқитувчилари Ш. Абдувалиев, А. Маматалиев, Х. Абдукаримов, Н, Жанабоевалар Германия техникавий ҳамкорлик лойиҳаси бўйича ташкил этилган семинар-тренинг таълим савиясини кўтаришга алоҳида таъсир кўрсатди.

Гулжаҳон ЖАББОРОВА, Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

Мустақилликнинг 15 йиллигига

ИФТИХОР

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Янгийўл шаҳар марказий ўйингоҳида ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида камолга етказиш, ўқувчиларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясини такомиллаштириш мақсадида спортнинг стол тенниси, волейбол, қўл тўпи, каратэ, шашка турлари бўйича мусобақа ташкил этилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, халқ таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган бу мусобақада 500 нафарга яқин ёшлар иштирок этди.

Голибларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

Амрулло КАРИМОВ.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Бекобод шаҳридаги соғлиқни сақлаш муассасаларини капитал таъмирлашга катта эътибор берилмоқда.

ҚАЙТА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Шаҳардаги тери-таносил касалликлари шифохонаси ҳам асосан ҳомийлар ёрдами билан қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда ундаги тиббий хизмат сифатидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Хушнилла ҚОРАБОЕВ.

ЯНА БИР ТАШАББУС

Вилоят «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси яна бир ташаббус билан чиқди.

Жамғарма «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури бўйича Тошкент туманидаги юқумли касалликлар шифохонасига 526 минг сўмлик ҳомийлик ёрдамини кўрсатди. Зарурий дори-дармонлар, бирламчи тиббиёт воситалари соғлиқни сақлаш муассасасига топширилди.

Нигора МИРҲАМИДОВА.

Қўқон шаҳрида таэквандо бўйича очиқ чемпионат бўлиб ўтди.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН

Унда Ангрен шаҳар «Қаҳрамон» спорт клубининг раҳбари, 4-дан қора белбоғ соҳиби Қаҳрамон Сатторов бошчилигида вилоятимиз ёшлар жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларга лойиқ топилди.

Амир Темур халқаро турнирида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритган вакилларимиз чемпионатдан 10 та олтин, 4 та кумуш ва 6 та бронза медалларини олиб қайтдилар.

Мўмин ИБОДОВ.

СОҒИНИБ КУТИЛГАН УЧРАШУВ

Эрталабданоқ Қорақўйли қишлоғи марказидаги тўйхона гавжум бўлиб кетди. Бирин-кетин турли ёш ва кўринишдаги кишилар бу ерга тўплана бошлашди. Кўп ўтмай даврага ҳаётини ёшларга билим ва таълим беришга бағишлаган устоз ўқитувчилар кириб келишди.

1956 йили 7-мактабнинг 10-синфини тугатган тенгдошларнинг учрашуви шу тариқа бошланди. Бугун кўплаб ўғил-қиз невараларнинг боболари, бувилари бўлган бу инсонлар орадан 50 йил вақт ўтгач, биринчи ўқитувчиларини йўқлаш учун тўпландилар.

Ўқитувчилар бирин-кетин сўзга чиқиб, ярим аср аввалги ўқувчиларининг ўша кезлардаги феъл-атворлари, ўқишлари ҳақидаги хотираларини сўзлаб бердилар. Собиқ синфдошлар билим ва таълим берган устозларига ташаккур изҳор этдилар.

Темур ХАЙДАРОВ.

СУРАТДА: *семинар қатнашчиларининг бир гуруҳи.* **Даврон АҲМАД олган сурат.**

МАЪРИФАТЛИ МАСЛАҲАТЧИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра фуқаролар йиғинларида, маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар тайинланган эди.

Ўтган икки йилдан ортиқроқ вақт давомида фаоллик кўрсатиб, аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик, яқин муносабатда иш олиб бораётган маслаҳатчиларнинг билимларини янада бойитиш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан Тошкент Ислом Университети профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, маънавий-маърифий ва диний мавзулардаги маърузалар, суҳбатлар уюштирилаётир. Тошкент вилояти маслаҳатчиларининг ўқув-семинарлари Чирчиқ, Ўртачирчиқ, Янгийўл, Бўка туманлари ва Ангрен шаҳрида бўлиб ўтди.

— Бугунги суҳбат менга жуда ёқди, — дейди Бўка тумани Равот қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳалла маслаҳатчиси Савринисо Эргашева. — Айниқса, Ислом дини асослари ҳақидаги маърузаларни катта қизиқиш билан тингладим. Булар маслаҳатчилик фаолиятимда катта ёрдам беради, деб ўйлайман. Чунки бизнинг маҳалламиз чегара ҳудудида жойлашган. Шунинг учун ҳам ниҳоятда сергак, огоҳ бўлишимиз, ҳар бир воқеа-ҳодисани онгли қабул қила олишимиз керак.

— Биз маслаҳатчилар учун бугунгидай учрашувлар жуда катта ёрдам беради, — дейди қўйичирчиқлик Зулфия Нарменова. — Диний ва маърифий билимга эга бўлмай туриб, маҳалла аҳли билан ишлаш мушкул.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Зомин туманидаги Ўриклисой оромгоҳида мамлакатимиз ёш ижодкорларининг «Биз – Президент фарзандларимиз» мавзуидаги анъанавий анжумани якунланди. Ўнинчи бор ўтказилган мазкур тадбирда элликдан зиёд ёш ижодкор иштирок этди.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИНГ ЗОМИН АНЖУМАНИ

Ўриклисой оромгоҳи уч кун давомида илҳом ва ижод, мушоира масканига айланди. Бу ерда Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Александр Файнберг, Маҳмуд Тоир, адабий-бадиий нашрларининг бош муҳаррирлари, таниқли мунаққидлар ёш ижодкорлар билан турли адабий жанрлар бўйича семинар машғулотлари ўтказди.

Анжуман якунида энг сара асарларнинг муаллифларига мукофотлар топширилди. Мукофотланганлар орасида қорақалпоғистонлик Шаҳло Шукурулла, фарғоналик Муҳаммад Иброҳим, жиззахлик Зуҳра Файзуллаева сингари ижодкорлар бор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кўчма пленумида эса, бир қанча ёш ижодкор уюшма аъзолигига қабул қилинди. Ёш ижодкорлардан бир гуруҳи Олий адабиёт курсида ўқишга тавсия этилди.

ЎзА.

Тадбиркорлик

«МИКРОС» КОМПЬЮТЕРЛАРИ

«Микрос» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси довруғи республикамиз бўйлаб таралган десак, муболаға қилмаган бўламиз. Чунки, унинг кичик жамоаси ишлаб чиқараётган турли ноёб маҳсулотларни кўпчилик яхши билади. Бу ерда тайёрланаётган ҳисоблаш техникаларига корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шунингдек, аҳоли орасида талаб ортмоқда. Корхона уларга сервис хизмати кўрсатади ва таъмирлаш билан шуғулланади.

Фаолиятни бир-бирига боғлиқ бўлган тартибда олиб бориш иш самарадорлигига ижобий таъсир қилмоқда. Оҳангарон шаҳрининг етакчи тадбиркорлик тузилмаси барқарор ишламоқда. Қуйида мухбиримиз Мирсобир Мирҳамидовнинг «Микрос» корхонаси етакчи мутахассиси Анвар Наврўзов билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

— Анвар Азимович, корхона жамоасининг мураккаб ва замонавий техника воситаларидан ҳисобланган компьютерлар тайёрлашни ўзлаштириши осон кечмаган бўлса керак?

— Нимасини айтасиз. Фирмамизнинг асосчиси Александр Векслернинг тадбиркорлиги, ишбилармонлар билан тез тил топишишга, ҳамкорларни жалб қилишга бўлган қобилияти, албатта, энг аввало, мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тармоқда шуғулланиш учун зарур имкониятлар яратилгани ва кенг имтиёзлар берилгани жуда асқотди.

Ўша вақтда мустақил республикамизда халқ хўжалигининг барча соҳаларида компьютерлардан фойдаланиш оммавий тус олганди. Бундай маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилмас, фақат хориждан келтирилар ва жуда қимматга тушарди. Албатта, уни маҳаллий шароитларда яратиш учун имконият, база ҳам йўқ эди. Жамоамиз эса жилла қурмаса бундай зарур аппаратларни ўзимизда йиғишни йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Анча машаққатлардан кейин бу мақсадга ҳам эришилди. Чет эллардан шериклар топиш осон кечмади. Кўп уринишлардан кейингина бунга муваффақ бўлинди. Компьютерлар ишлаб чиқарувчи қатор компаниялар биз билан ҳамкорлик қилишга рози бўлди.

— Улар қайси компаниялар эди?

— Хусусан, «DELL», «XEROX», «Master Guard», «Shenhen KTL» компаниялари. Бундай шериклар ёрдамида йиғилаётган компьютер техникаларини сертификатлаш маркази ташкил этилди. У 1995 йилда барпо қилинган эди. Бу иш кўлами ва сифатини кескин ошириш имконини берди. Бу марказ бизда йиғилаётган компьютерларни сертификатлаш, кафолатли таъмирдан чиқариш, ҳисоблаш ва офис техникасини, нусха кўчириш, кўпайтириш қурилмаларини, алоқа ва телекоммуникация воситалари, кичик АТСлар, кондиционерлар ва совутиш мосламалари ҳамда бошқа шу каби бир қанча анжомларни таъмирлаш, ўрнатиш, уларга хизмат кўрсатиш каби вазифаларни амалга оширмоқда.

— Фирманинг ишлаб чиқариш қуввати ва бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажми ҳамда тури газетхонларни қизиқтириши табиий...

— Аввало, фирманинг ишлаб чиқаришни узлуксиз, бир маромда олиб бориши учун зарур бўлган барча замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлигини айтиб ўтмоқчиман. Уларнинг ҳаммаси энг юқори андозаларга тўла жавоб беради. Шунинг учун ҳам бизда тайёрланаётган компьютерлар буюртмачининг барча талабларига мос тушмоқда. Улардан ҳисоблаш техникаси ва дастурлаш соҳасида махсус билимга эга бўлмаганлар ҳам фойдаланишлари мумкин. Фирмамиз буюртмачилари сафи муттасил кенгайиб бормоқда. «Коском» қўшма корхонаси, «Электртармоққурилиш» акциядорлик жамияти, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекнефтгаз» тизимидаги корхоналар, Ўзбекистон Фанлар академияси, дон маҳсулотлари идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, қатор давлат ва хусусий ташкилотлар ҳамда муассасалар доимий мижозларимиздир.

Корхонамизни лойиҳалаш ва барпо этишда Жанубий Корея, Тайван ва Россиядаги электрон техника ишлаб чиқарувчиларнинг тажрибасидан фойдаланилди. Унинг лойиҳаси ва технологик жараёнлари маҳсулот етказиб берувчи хорижий компаниялар мутахассисларининг бевосита иштирокида ишлаб чиқилди. Сифатни назорат қилувчи тизим тайёрланаётган барча техника воситаларининг пухталик даражаси юксак бўлишини таъминлаяпти.

Фирмамиз ҳар йили мингта компьютер ишлаб чиқариш қувватига эга. Айрим йилларда бу маррадан анча ўзиб кетилмоқда. Биргина INTEL процессорлари базасида яратилган «WING» моделидаги электрон ҳисоблаш машиналаридан маъмурий бошқарув, молиявий, иқтисодий, илмий, муҳандислик, ишлаб чиқариш фаолияти ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида, мактаблар, коллежлар, лицейларнинг, олий ўқув юртларининг компьютер синфларини бутлашда фойдаланилмоқда.

— Фирма жамоаси фаолият кўламини кенгайтириш борасида қандай янгиликларга кўл урмоқда?

— Албатта, бу соҳада изланиш бор. Имкониятлар кенгайгани сари янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ҳаракатлар қилинмоқда. Чунончи, Германия ва Туркиядан технологиялар ва бутловчи техника воситалари келтирилиб, улар негизида пластмассадан ойна-эшик ромлари тайёрлаш ўзлаштирилди. «Микрос»да ўқув маркази ҳам очилган бўлиб, унда ҳар ой 30 нафар талаба компьютерлар ва бошқа техника воситаларини ишлатиш кўникмаларини эгалламоқда.

Ҳозирча маҳсулотларимиз ички бозорга чиқарилаяпти, маҳаллий буюртмалар ҳам етарли.

Диққат, янгилик!

Бугунги кунда илм-фан ва техника тараққиёти йўлида олиб борилаётган изланишлар ўз самарасини кўрсатиб, маиший турмушимиздаги жуда кўп муаммоларни бартараф этишда кўл келмоқда. Хитойдаги «Венера» илмий маркази мутахассислари томонидан яратилган яна бир кашфиётга жаҳоннинг кўп мамлакатларида катта қизиқиш билдирилмоқда. Бу — ҳозиргача фақат маҳаллий ўғит сифатида ишлатилиб келинадиган чорва гўнгидан табиий газ ҳосил қилиш технологиясидир. Куни кеча Тошкент туманидаги «Ғуломмаҳмуд барака» агрофирмаси чорвачилик хўжалигида ана шу технологиянинг тақдимоти ўтказилди.

ХИТОЙЛИКЛАР КАШФИЁТИ ЎЗИМИЗДА

— Яқинда Хитойда бўлганимизда шу марказ олимлари, хусусан, унинг раҳбари, профессор Джаолиу Унинг мазкур изланиши диққатимизни тортди, — дейди Тошкент тумани ҳокими Сайфулла Темиров. — Улар билан музокаралар олиб бориб, ҳамкорлик учун юртимизга таклиф этдик. Очиғи, бундай технологияга бизда эҳтиёж жуда катта. Эътиборли жиҳати, уни йирик чорвачилик фермаларидан тортиб, ҳар бир хонадонда ўрнатиш мумкин. Бугун Хитойда 20 миллиондан ортиқ ана шундай қурилма ишлаяпти.

Дарҳақиқат, хитойлик ишбилармонлар таклиф этаётган усул қулайлиги, арзонлиги, соддалиги, энг муҳими, шароитга мослашувчанлиги билан эътиборга молик. Махсус шарсимон мослама ёки ҳандақ шаклидаги қурилмага чорва гўнги жамланиб борилаверади. Қуёш нури таъсирида у ерда ҳосил бўлаётган табиий газ технологик анжомлар ва резина қувурлар орқали тортиб олинади. Бунинг учун ҳеч қандай ташқи куч ва энергия сарфланмайди. У 2 кубометр табиий газ ишлаб чиқариш учун 20-25 килограмм гўнг сарфлайди. Бунча миқдордаги табиий газ ўртача бир хонадоннинг кунлик эҳтиёжини қондира олади. Унинг чиқити эса, биогомус сифатида қишлоқ хўжалигида жуда муҳим ҳисобланади. Шунингдек, олимлар уни балиқчиликни ривожлантиришда фойдали озуқа, деб ҳам баҳолашмоқда.

— Бу технологиянинг афзалликларига қойил қолмай илож йўқ, — дейди маҳаллий фермер Абдуаҳад Шоалимов. — Айтишларича, бу хитойлик олимнинг йигирма йиллик илмий изланиши маҳсули экан. Эндиликда бу технологиядан табиий газ етиб бормаган тоғли худудлардаги хонадонларда, фермерлар дала шийпонида, чорвачилик хўжаликларида истаганча фойдаланиш имкони бор.

Тақдимот маросими қатнашчилари янги технология ижодкорларига ўзларини қизиқтирган барча саволлар билан мурожаат этиб, атрофлича жавоблар олишди. Компания мутасаддилари билан талабга қараб уни буюртмачиларга етказиш ва ўрнатиб беришга келишиб олинди.

Гайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *тақдимот қатнашчилари янги технология билан танишмоқдалар.*

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ТУЗДА ЙОДНИНГ МИҚДОРИ ҚАНЧА?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология илмий-текшириш институти ҳамда республика истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси йодланган ош тузи мониторингини ўтказишда соҳа ходимларининг фойдаланиши учун мўлжалланган услубий кўлланма чиқарди.

Ош тузида йоднинг миқдори қанча бўлиши керaклиги, йод танқислиги касалликлари, асоратлари, уни даволаш ва олдини олиш йўллари ҳақида китобдан билиб олиш мумкин. Шунингдек, махсус қисмда мониторинг жараёни, уни ўтказиш тартиб-қоидалари баён қилинган.

— Рисола уч минг нусхада чоп этилиб, вилоят туманлари ва шаҳарлари, маҳаллаларига амалиётда фойдаланиш учун юборилди, — деди кўлланма муаллифларидан бири, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Комилжон Шодиметов. — Инсон организмида йоднинг аҳамияти нечоғли муҳимлигини бугун кўпчилик чуқур англаб етмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, йод танқислигининг енгил даражаси ҳам одам мия фаолиятининг сустлашувига катта таъсир ўтказади.

«Туркистон-пресс».

«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2006 йил 24 июнь 49-сонидаги «2006 йил 24 июнь куни соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдоси» сўзлари «2006 йил 24 июль куни соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдоси» жумласи билан алмаштирилсин.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2006 йил 12 июль 54-сонида берилган эълоннинг:

2006 йил 18 июль куни аукцион савдосига чиқарилган «Қибрай тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Қибрай тумани, Матқобулов қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 14-ер майдони» жумласидаги рақам хато кетганлиги сабабли ушбу ер майдонининг савдоси ўтказилмади. Шу сабабли ушбу эълон қуйидаги тарзда ўқилсин: «Қибрай тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Қибрай тумани, Матқобулов қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 21-ер майдони».

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, факс: 133-43-73.

«Камолот» хабарлари

«НАВРЎЗ»ДА ҲАШАР

Бўстонлиқ туманида «Болалар дунёси — «Камалак» шиори остида ҳашар ташкил этилди.

Унда болалар ташкилоти сардорлари ҳамда маҳалла ёшлари қатнашиб, Ғазалкент шаҳридаги «Наврўз» стадионини қайта таъмирлашди.

Яқинда бу спорт масканининг очилиш маросими ўтказилди ва у маҳалла ёшлари ихтиёрига топширилди.

ҚУВНОҚ СТАРТЛАР

Пскент туманидаги 2-мактабда маҳалла ёшлари ўртасида «Қувноқ стартлар» мусобақаси ўтказилди.

Унда иштирок этган Ойбек ҳамда Навоий номли маҳаллаларнинг ёшларидан Александр Ким, Наташа Фёдорова, Рустам Абдуллаевлар ғолибликни қўлга киритишди. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

Юлдуз САЙФУЛЛАЕВА.

Ҳамкорлик ришталари

ХОРИЖЛИКЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИБ...

Хорижий сармояларнинг жалб этилиши ҳар қандай давлатнинг иқтисоди юксалишида алоҳида аҳамиятга эга экани кўп йиллик жаҳон тажрибасидан маълум. Зеро, дунёнинг етакчи давлатлари ҳам бошқа мамлакатларга сармоя киритиш баробарида ўз ҳудудига чет эл инвестициясининг жалб этилишини доим қўллаб-қувватлаб келган.

Бунинг боиси шундаки, хорижий инвестиция сармоя киритаётганга ҳам, жалб этаётганга ҳам иқтисодий томондан бирдек фойдалидир. Сармоялар хусусида гап борганда, қўшма корхоналарнинг ролини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кейинги йилларда чет эл ишбилармонларининг мамлакатимизга эътибори ошаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки, тадбиркорликни йўлга қўйиш тобора енгиллашиб бораётган юртимизда хорижлик сармоядорлар ҳам муқим фаолият юритиш имконига эга бўлмоқда. Улар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналардан бири «ВИРТЕХ-АГРО» Ўзбекистон-Америка-Россия қўшма корхонасидир.

Зангиота туманида жойлашган ушбу корхона ўз фаолиятини 1996 йилда бошлаган. Корхона бош директори Баҳодир Ҳошимов билан суҳбатимиз «Виртех-Агро»нинг ташкил этилиш тарихи ва фаолият кўлами ҳақида бўлди.

— Аввал бошида масъулияти чекланган жамият шаклида фаолият юритган эдик, — деди у. — 1999 йили қўшма корхонага айлантирилиб, чет эл инвестицияси киритилди. 100 миллион сўмлик сармоянинг 42 фоизи чет эллик ҳамкорлар улушига тўғри келади. Бу ерда бройлер товуқларини етиштириш, улардан наслли жўжа очириш билан шуғулланилади. Улар асосан гўшт учун боқилади.

— Ўтган йилнинг охирларида Ўзбекистон ва Россия муносабатларида янги саҳифа очилган эди. Қўшма корхона раҳбари сифатида ушбу жараён хусусидаги фикрингиз қандай?

— Икки давлат ўртасида турли соҳаларни янада кенгроқ ривожлантириш учун катта имкониятлар юзага келди. Давлатларимиз ўртасида имзоланган Иттифоқчилик шартномаси бунга кенг ҳуқуқий асос яратди. Бугун замон ўзгарди. Ҳар икки давлат ҳам ўзининг узоққа мўлжалланган стратегик манфаатларидан келиб чиқиб, тенг ҳуқуқлилик асосида алоқа ўрнатиш тарафдори. Шартномага ушбу тамойил, яна ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик асос қилиб олинган.

Ушбу жараён бизнинг корхонамиз ҳаётини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Инвесторларимиз билан янада яқин алоқалар ўрнатилиши, борди-келдилар учун барча эшикларнинг очиқлиги мутахассисларимизга тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш имкониятини бермоқда. Айниқса, ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини янада такомиллаштириш, алоқаларни кенгайтириш учун шароит яратиш, самарали механизмлар ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги қувонарли ҳолдир.

— Бевосита корхона фаолиятига тўхталсак. Узоқ мамлакатлардан товуқ ҳамда тухум олиб келиш қийинчилик туғдирмайдими?

— Ҳозир Венгриянинг Бабол шаҳридан товуқлар келтирилмоқда. Таиланддан эса тухум олиб турибмиз. Улар самолёт орқали ташилмоқда. Бу товуқ зоти ташқи муҳит таъсирига берилувчан бўлгани боис уларни жуда эҳтиётлаймиз. Тухумлари ҳам ўта нозик. Шу туфайли паррандалар соғлиғини назорат қилувчи етакчи мутахассисларни корхонага жалб этганмиз. Улар хона ҳароратини ҳамда жонивор-ларнинг озиқланиш тартибини мунтазам назорат қилиб туришади.

— Маҳсулот етиштириш ва кўрилаётган даромадда ўсиш кузатилаётган бўлса керак?

— Тўғри, интилиш, изланиш, ҳаракат бор жойда натижа, самара ҳам бўлади. Шу маънода қўлга киритилаётган ютуқларимиз ҳам анча сезиларли бўлиб қолди. 2004 йили 552 миллион сўмлик даромад ва 78 миллион сўм соф фойда олдик. Ўтган йили ҳам дуруст ишладик. Бу йил эса шу кунгача 40 миллион сўмлик даромад олинди.

— Корхонада яна бошқа давлатлар билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган экан...

— Ишлаб чиқариш соҳаси, умуман саноат оламида ҳамкорларсиз, шерикларсиз иш юритиш жуда мураккаб. Агар корхона ҳамкору шериклар билан вобаста ҳаракат қилмаса, ўз қобиғига ўралиб қолади, эртанги кунига хавотир билан қарай бошлайди. Бундай кайфият эса ҳеч қачон кўзланган мақсадга олиб бормаган. Шу сабаб янги ҳамкорлар топишга, биргаликда аҳлзаковат, ғайрат билан иш олиб боришга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳозир Эрон Ислом Республикасининг Ароқ вилояти савдо-саноат палатаси билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш устида иш бормоқда. Шунга кўра, микроиқлим ҳосил қилувчи цех келтирилиб, ўрнатиш режалаштирилган. Цехда бинонинг ҳавосини алмаштириб, тозалаб туриш учун хизмат қиладиган ҳамда иситиш қурилмалари бўлади. Шу билан бирга эронлик саноатчилар иштирокида паррандачилик бўйича мутахассисларни ўқитишни йўлга қўймоқчимиз. Улар кўмагида тайёрланган ходимлар корхонамизда фаолият юритишади.

Бундан ташқари, шу йилнинг ўзида корхонадаги 4 та цехни реконструкция қилиш ва таъмирлаш, янги технологиялар киритиш мўлжалланмоқда. Бу ишларнинг барчаси эронлик ҳамкорларимиз билан олиб борилади. Агар ушбу лойиҳалар амалга ошса, ҳозир 8 мингта жўжа боқилаётган цехларда улар сонини 15 мингтача етказиш имконияти пайдо бўлади.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА суҳбатлашди.

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўтмишга назар ташласак, саховатпешалик, меҳр-оқибат, мурувват каби фазилатлар азалий қадриятларимиздан бўлиб келганлигини кўришимиз мумкин. Бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиш, ҳар тараф-лама қўллаб-қувватлаш халқимизга хос бағрикенглик ҳисобланган.

Оддийгина бир мисол, маҳаллада яшайдиган ҳар бир инсон биладики, бу масканнинг ўзига хос анъаналари бўлади. Айниқса, кўни-қўшничилик, қариндош-уруғлик ришталари мустаҳкам ҳисобланади. Агар ён қўшнимиз, қариндошимиз ёхуд бирор яқин биродаримиз ночор ҳолга тушиб қолганлигини эшитсак, унга кўмакка шошамиз. Қурбимиз етса моддий, бўлмаса, ширин сўзимиз билан маънавий кўмак беришга ҳаракат қиламиз.

Эсимда, маҳалламизда Нажмиддин ота деган инсон яшаган. У кишининг довруғи нафақат маҳалламиз, балки бутун даҳада маълуму машҳур эди. Ота доимо кимгадир яхшилик қилиш пайида бўлар, ҳар доим хайрли ишларни бошлаб юрарди. Кимнингдир фарзандига янги пойабзал, кийим олиб берса, яна кимгадир дори-дармон етказиб турарди. Аксарият бева-бечораларга рўзғор тебратишда ёрдамлашарди. Қилган яхшиликлари эвазига ҳеч кимдан бирор нарса кутмас, миннат қилмасди. Шунинг учун кўпчилик у кишини Сахий ота деб ҳам атарди...

Бугун ҳам чор-атрофга эътибор қаратсак, қўли очиқ инсонлар сафи кенгайиб бораётир. Саховатпешалик, мурувват каби анъаналар ва хайрли тадбирлар қўлами ортиб, ўзига тўқ, сахий, бағрикенг ҳамюртларимиз кам таъминланган ҳамда ночор оилалардан ўзларининг беғараз ёрдамларини аямаяптилар. Шундай оилалар фарзандларининг суннат, никоҳ тўйларини ўтказиб, ўз совғаларини топширмоқдалар...

2006 йил Президентимиз томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан бундай тадбирлар янада кенг қулоч ёйиб бораётгани қувонарли.

Йилнинг ярмидан кўпроғи ўтди. Ана шу давр ичида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида қатор хайрли ишлар амалга оширилди ва бу жараён қизғин давом этмоқда. Айниқса, тадбиркорлар, ишбилармонлар томонидан жойлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга беғараз ёрдам кўрсатилмоқда.

Албатта, давлатимиз томонидан саховатпешалик ва меҳр-мурувват, ҳомийликка бош қўшаётган кишилар, айниқса, хусусий тадбиркор ва ишбилармонларга бир неча имтиёз ҳамда енгилликлар яратиб берилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик турларига қараб, ишлаб чиқариш ёхуд хизмат кўрсатиш тоифалари бўйича солиқ тўлашда енгилликлар яратилаяпти.

«Қарс икки қўлдан чиқади», дейди халқимиз. Кўмакка муҳтожларни сийлаганни эл сийлайди, давлат сийлайди. Оқибатли, меҳр-мурувватли кимса ҳеч қачон кам бўлмайди. Буни кундалик ҳаётда кўриб, шоҳиди бўлиб турибмиз.

Жамила ҚОДИРОВА,
нотариус.

СУЛОЛА ИЗИДАН

Бўка туманидаги машина-трактор паркида ишчиларга хизмат кўрсатадиган тиббий муолажа хонасининг мавжудлиги ишчи-хизматчилар саломатлигини доимий назорат қилиб туриш имконини бермоқда.

— Бу ерда уч йилдан бери ишлайман. Ходимлар саломатлиги учун масъулмиз, — дейди шифокор Ирина Абдураҳмонова. — Қолаверса, поликлиника бироз узоқлиги туфайли Тошлоқ, баъзан Наврўз маҳаллаларининг аҳли ҳам шу ерга муолажа учун келишга ўрганиб қолишган. Улардан ҳам қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаётирмиз. Парк ходимлари, қолаверса, маҳалла аҳли хизматимиздан мамнун.

Замира НАРЗИЕВА,
Бўка тумани.

СУРАТДА: *Ирина Абдураҳмонова муолажа пайтида.*
Раҳим ХОЛБЎТАЕВ олган сурат.

Қарор ва ижро

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ РИЗҚ

Халқимиз азал-азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келади. Мол-қўй дегани ҳам даромад, ҳам ризқ-рўз манбаидир. Лекин уларни боқишга ҳаммада хоҳиш бўлсада, имкон бўлавермайди. Шу жиҳатдан мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кўпчиликда қизиқиш уйғотгани бежиз эмас.

Айни вақтда қарорда белгиланганидек, эҳтиёжманд ва кўп болали, энг аввало, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалари бўлган оилаларга хайрия тариқасида бир бошдан сигир бериш, чорва молларини боқаётган шахсларни иш билан банд аҳоли тоифасига киритиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари, эзгу мақсадга қаратилган савобли ишлар қўлами кенгаймоқда.

Хусусан, Чирчиқ шаҳрида шу кунгача ҳудуддаги ана шундай оилаларнинг 40 дан зиёди қора мол билан таъминланиб, уларнинг 30 нафарига меҳнат дафтарчаси очилди.

Эндиликда, чорва парвариши билан банд бўлган кишилар иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киради ва пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлади.

СУРАТДА: *навбатдаги меҳнат дафтарчасини топшириш пайти.*
Даврон АҲМАД олган сурат.

«КОИНОТ» ҚУЧОҒИДА

«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик бирлашмаси тасарруфидаги «Коинот» болалар оромгоҳи бу галги ёз мавсумида ҳам кончиларнинг мингдан ортиқ фарзандларини ўз бағрига олган.

Ангреннинг тоғли ҳудудида жойлашган мазкур оромгоҳда тизим корхоналари томонидан ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари ҳашар йўли билан амалга оширилди.

— Ўқувчилар ёзги таътилни мароқли ўтказишлари ва шу билан бирга жисмонан чиниқиб, саломатликларини янада мустаҳкамлаб олишлари учун 47 миллион сўм маблағ ажратилди, — дейди бирлашманинг ижтимоий соҳа бошқармаси бошлиғи Мамашарип Ҳасанов. — Шунингдек, дам олувчиларнинг 150 нафарини ҳар йилгидек Оролбўйи минтақасидан келган болалар ташкил этади.

Яқинда бу ерда «Ўзбекнаво» бирлашмаси ва Тошкент давлат цирки жамоалари томонидан концерт ва турфа кўнгилочар дастурлар намойиш этилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

Маънавиятимиз жонкуярлари

НАФОСАТ СЕҲРИНИ ИЛҒАБ

Султон Маҳмуд марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб, пойтахтни Ғазнага кўчириб, хоразмшоҳлар билан қудаанда бўлгач, Маъмундан кўҳна Урганчдаги барча олимларни ўз ҳузурига жўнатишни талаб қилади. Маъмун кунлардан бир куни донишмандларни йиғиб, Султоннинг амрини етказади. Шундан сўнг, Беруний бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар Ғазнага жўнайдилар. Ибн Сино эса, Султон Маҳмуд ҳузурига боришни хоҳламай, икки шогирди билан Ҳамадонга йўл олади. Буни эшитган Султон бир чеҳракушога Ибн Синонинг расмини чиздириб, ундан 30 нусха кўчиртириб, турли шаҳар ҳокимларига жўнатади ва шу суратдаги одамни тутиб, ҳузурига юборишни сўрайди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ марказий ҳокимият — салжуқийларга адоватда бўлади. Шунинг учун икки жосусни пойтахт Марвга жўнатиб, Султон Санжар саройи атрофидаги воқеалардан хабардор қилиб туришни буюради. Буни сезган Султон Санжарга садоқатли хоразмшоҳлар саройида элчи сифатида хизмат қилиб юрган машҳур шоир Адиб Собир Термизий ҳалиги жосусларнинг расмини чизиб, бир кампирнинг маҳсиси қўнжида Султонга юборади. Натижада шаҳар четидаги карвонсаройлардан бирига жойлашиб олган айғоқчилар тутилиб, қатл этилади. Ғоятда маҳфий тарзда уюштирилган бу тадбирнинг фош қилиниши сабабини Хоразмшоҳ узоқ тафтиш қилиб, саройдаги ягона сураткаш Адиб Собир эканлигини аниқлайди ва шоирни яширин тарзда кечаси Амударёга чўктириб, ўлдиртиради.

Ушбу далиллар инсон қиёфасини чизиш — портрет жанри X-XI асрлардаёқ пайдо бўлганлиги, рангтасвир санъати бизда узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатади. Эрамиздан олдинги асрларга тааллуқли деворий ва ашёвий суратлар, Ардвиссура Анахитанинг соподлан ясалган ҳайкали, Кушон империяси ҳукмронлари саройи даҳлизларидаги нимтана ва 12 метргача бўлган ҳайкаллар, қадимги Эрон пойтахти Персиполис саройи деворидаги турли хил суратлар, манзара, элчиларнинг акслари, тангалардаги шаҳзодалар тасвири, Қорақурум дарасидаги харсангга чизилган сўғд ҳокимининг сурати ва бошқалар фикримизни тасдиқлайди. Ана шу азалий санъатимизнинг турли асрлардаги ҳолати ва тарихини ўрганишда О. Акимушкин, И. Иванов, М. Дъяконов, Г. А. Пугаченкова ҳамда Л. И. Ремпелларнинг хизматларини ҳамиша тилга олиб, қадрлаймизу аммо қирқ йилдан бери ўша машҳур олимлар билан бақамти заҳмат чекиб, ўз асарларини немис, инглиз, француз тилларида чоп этилишига эришган санъатшунос Муқаддима Ашрафий ижодини назардан четда қолдирамиз. Ваҳоланки, у Мовароуннаҳру Хуросон, Ҳиндистону Эронда миниатюра санъатининг пайдо бўлиши, тараққиёт йўллари ҳамда шаклланиш тарихини изчил тадқиқ этиб, уни дунё илмфани аҳлига танитиб келаётган олимадир.

Бўлажак миниатюрашунос Муқаддима 1936 йили машҳур бастакор Мухтор Ашрафий хонадонида таваллуд топди. Ўрта мусиқа мактабини тугатгач, Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. Ўқишни имтиёзли диплом билан тугатгани учун Муқаддима Москва шарқшунослик илмий тадқиқот институтига ишга жўнатилди. Шундай қилиб, истиқболи порлоқ санъатшунос олима 1959-1962 ҳамда 1970-72 йиллар орасида ушбу институтда илмий ва катта илмий ходима вазифаларида ишлайди. У санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Муқаддима Ашрафий ижодининг илк палласиданоқ XVI асрда Хуросону Мовароуннаҳр халқлари миниатюра санъатини жанр, мавзу, нафосат жиҳатидан ўрганишга киришди. Дастлаб у Абдураҳмон Жомий шеърияти ва миниатюра санъати муаммосини тадқиқ эта бошлади ва «XVI асрда Жомий асарларига чизилган миниатюралар» китобини нашр эттирди (Лейпциг, 1966). Сўнгра «XVI асрнинг 40-70 йилларида Бухоро ҳавзаси тасвирий санъати» (1970), «X-XI асрлар форс-тожик шоирлари асарларига чизилган суратлар» (Душанбе, 1974) сингари китобларни ёзди.

Олиманинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган «Темур ва Улуғбек даври Самарқанд миниатюраси» (1996) китоби далилларнинг бойлиги, мутлақо янги кашфиётларга эгалиги, илмий-назарий хулосаларнинг теранлиги билан киши диққатини ўзига жалб этади.

Муқаддима Ашрафий ижоди ўзбек халқи санъати тарихи ихлосмандлари, ёш олимлар учун мактаб вазифасини ўтайдиган тадқиқотлардир.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 11 январдаги ПҚ-225-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент туманида тугатилаётган Абдураҳмонов номли ширкат хўжалигидаги чорва фермаси очиқ кимошди савдоси орқали сотувга қўйилмоқда.

Кимошди савдосида қатнашиш истагида бўлган шахслар маълумот олиш учун ширкат хўжалигидаги махсус комиссияга мурожаат қилишлари мумкин.

Манзил: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри, Қирқ-Ариқ қишлоғи, Ўзбекистон кўчаси, 29-уй, Абдураҳмонов ширкат хўжалиги.

Тугатиш комиссияси.

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ

СОХТА ҲОЖАТБАРОРЛАР



Айни кунда барча олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлардаги қабул комиссияларида иш қизғин.

Мен ҳам яхши ният билан Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга кириш учун ҳужжатларимни топширдим. Ҳозир имтиҳонларга астойдил тайёргарлик кўраяпман...

Менга ўхшаб китоб варақлаб, ўз билимини бойитаётганлар кам бўлмаса керак. Аммо, тайёрга айёрлар ҳам борми, дейман, бундан фойдаланадиган «тадбиркор»лар ғимирлаб қолишган кўринади.

Гап шундаки, тунов куни университетга қўшимча маслаҳат олиш учун боргандим. Қайтишда, йўл-йўлакай қарийб 15 нафар ёш қиз ўтган-кетганга бир парча қоғоз тутқазаётганига кўзим тушди. Улардан бири менга ҳам тегди. Унда шундай сўзлар бор эди. «Барча фанлар бўйича шпаргалкалар. Тел.: ...»

Уйга келиб қизиқиш устунлик қилди ва кўрсатилган рақамларни тердим. Нариги томондан ёш қизнинг овози эшитилди.

— Алло.

— Кечирасиз, мен сизни эълон бўйича безовта қиляпман, менга шпаргалка керак эди.

— Ҳа, бизда барча фанлар бўйича тест жавоблари бор.

— Менга она тили ва адабиёт ҳамда инглиз тили, тарих фанларининг шпаргалкалари зарур. Ҳаммаси неча пул бўлади.

— Бизда ҳар бир фан бўйича жавоблар 25 минг сўм, тўртта фан 100 минг бўлади?

— Ўқишга киришим учун кафолат берасизларми?

— Йўқ, биз ҳеч нарсага кафолат бермаймиз.

— Сизлардан қачон жавобларни сотиб олсам бўлади?

— Хоҳлаган пайтингизда.

— Манзилларингизни айтиб юборсангиз.

— Қачон келмоқчисиз?

— Эртага эрталаб...

— Унда келишингиздан аввал телефон қилинг, айтамиз, хайр саломат бўлинг.

Суҳбатимиз қисқа бўлди. Аммо жуда кўп нарсалар ҳақида хулоса чиқаришга етарли эди.

Фақатгина мўмай даромад илинжида кўпчиликни лақиллатишга уринаётган бундай сохта ҳужжатбарорларнинг танобини тортиб қўядиганлар борми?

Қолаверса, ана шундайлар қармоғига илинаётганлар ҳеч қачон бундай қаллоб йўл билан талаба бўлиш мумкин эмаслигини билармиканлар?

Ҳақиқий билим, ҳақиқий салоҳият эгасигина ўқув юртларининг муносиб талабаси бўла олади. Шунинг учун ўз билим ва маҳоратимизга ишониб ҳаракат қилганимиз маъқул.

Аслиддин ҚЎЗИЕВ.

ҒУРУР ОТИ

Бундан 3-4 йил аввал «Тошкент ҳақиқати» газетасида «Қиз боқкан айбдорми?» деган сарлавҳа остидаги мақолани ўқигандим. Унда ўзбек тўйлари, қиз узатиш, баъзи бир қусурли анъаналар хусусида фикр-мулоҳазалар баён этилган эди.

Яқин қариндошимнинг оиласидаги воқеалар мени яна шу мавзу теграсида мушоҳада юритишга ундади.

У хонадон билан ончалик ҳам борди-келди қилмасдик, узоқроқ қариндош эдик. Ташқаридан қараганда туппа тузук оилага ўхшар, ҳатто баъзиларнинг ҳаваси ҳам келарди. Аммо, инсоннинг ичидагисини билиб бўлмас экан. Яқинда ўша хонадонга келин тушди. Шунда уй эгаларининг ким эканликлари яққол намоён бўлди.

Келин улар учун оила аъзоси эмас, балки, қул эди, гўё. Тўйдан кейин икки ой ўтар-ўтмас қайнона ўзининг заҳар тили, турткилари билан келинни «синов»дан ўтказа бошлади. Кейинчалик эса, унинг олдига бир ёстиққа бош қўйган ёри, қайнбўйнилар ҳам қўшилишди. Бирор тансиқ таом тайёрланса, келин дастурхонга яқинлаштирилмас, ота-онасининг уйига боришга ҳадеганда рухсат берилмас эди. Келин шўрлик шунда ҳам сабр-тоқат, қаноат билан барчасини ичига ютар, жонидан ўтиб кетган кунлари уйга кириб тўйиб-тўйиб йиғларди...

Мен бу тафсилотларни барча борди-келдилар тинганидан кейин, келин туғилиб-ўсган уйига қайтгач, унинг онасидан эшитдим.

Баъзилар келинни сабрсизликда айбладилар, сув ҳам бир лойқаланиб, кейин тинади, дегувчилар ҳам топилди. Кимдир қурбақани ҳам боссанг «вақ» дейди, деди.

Аммо менда бошқа мулоҳаза туғилди. Нима учун келин оёқ ости қилиниши керак? Эртага оилада фарзанд дунёга келсаю болада бирор нуқсон сезилса ҳам, келинни айбдорлар.

Ҳеч қачон келин кўнгли тусаган нарсани тўйиб емагани ёки уйдаги «қитмирликлардан» асаби тамом бўлгани учун бола шундай ногирон туғилди демаймиз, яна келин бечоранинг устидан иғво қиламиз.

Тўғри, аксарият ҳолларда келинлардан ҳам айб ўтади, ёшлик қилади. Аммо кўпинча «эгиб оламан» деган хаёл қайнона ва эрни эгри кўчаларга олиб кириб қўяди. Шундай хонадонларни биламан, икки томон ўзаро самимият туфайли, бир неча йиллардан буён иноқ яшаб келишмоқда. Ана шундай бахтли ҳаёт кимга ёқмайди? Ҳаммамизга ёқади. Аммо ғурур отидан тушгимиз келмайди.

Сиз бунга нима дейсиз?

Отабек РАҲИМОВ.

ИСТИРОҲАТ БОҒИ МАДАДГА МУҲТОЖ

Янгийўл шаҳрида ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда шаҳарда амалга оширилган ўзгаришлар киши дилига хушнудлик бағишлайди.

Айниқса, маданият муассасалари фаолиятини ривожлантириш шаҳар ҳокимлигининг доимий диққат марказида. Хусусан, 11-болалар мусиқа мактаби, «Синема» кинотеатри охирги йилларда анча қаровсиз қолганди. Ҳозир улар қайта таъмирланиб, яна аҳолига хизмат қила бошлади...

Бироқ, яқинда шаҳардаги «Навоий гулшани» истироҳат боғига набираларим билан кўнгил ёзгани боргандим, ҳафсалам пир бўлди. Аввалари ўзининг соя-салқин, баҳаволиги билан кўпчиликнинг севимли масканига айланган боғ бугун хароб бўлаёзибди. Илгари унинг ҳудудида жойлашган ҳовуз бўйидаги чойхонадан кечаю кундуз дам олувчиларнинг қадами узилмасди. Халқимизнинг суюкли санъаткорлари билан учрашувлар уюштирилар, концерт дастурлари намойиш этиларди. Не кўз билан кўрайки, бугун ҳовуз сув эмас хазон билан тўлган. Ён-атрофдаги дарахтлар қулаган, чойхона биноси ҳам аянчли аҳволда.

Вазиятга аниқлик киритай, деб маскан маъмуриятини суриштирсам, бу ерда ишчи ҳам, раҳбар ҳам қолмаган, боғ ҳозир «эгасиз» экан.

Шаҳардаги маданият уйи биноси ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин. Муассаса раҳбарияти ҳасратидан чанг чиқади. Хўш, ушбу маданият ўчоқларининг бу аҳволга тушиб қолишига кимлар айбдор? Қолаверса, шаҳар аҳолисининг айби нима? Ахир, улар ҳам маданий ҳордиқ чиқаришга ҳақлику?!

Саиджон КАБИРОВ.

ҚИШЛОҚДА ТУХУМ ЙЎҚМИ?

Бўстонлиқ туманининг Хўжакент қишлоғида икки кун мирикиб дам олдик. Баҳаво жойлар, сўлим боғлар, тиник ва зилол сувлар жонимизга оро кирди.

Иккинчи куни эрта тонгда кўнгил қовурилган тухумни тусаб қолса, денг. Ўзимиз жойлашган хонадон эгасидан тухум сўрадик. У киши бизга қизиқ бир гап айтди.

— Бу қишлоқда ҳеч кимникида тухум йўқ, болам. Эрта баҳорда уйма-уй юриб, барча паррандаларни сўйдиришди. Парранда гриппининг олдини олишаётганмиш, — деди уй бекаси. — Ўшандан буён ҳеч ким парранда боқмай қўйган.

Қизиқ, касалликнинг олдини олиш учун соғлом паррандаларни сўйдириш шартмиди? Қолаверса, бундай кўрсатмани ким берган? Ёки бу масалага алоқадор ташкилот раҳбарлари бошларини оғритгилари келмай, бир йўла паррандаларни қириб қутулишдимикин? Ахир, қишлоқ аҳолисининг даромад манбаларидан бири ана шу паррандалар эди-ку...

Абдураҳмон ФОЗИЛОВ,
Зангиота тумани.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

ЧЕМПИОНЛИК КАМАРИ СОҲИБИ

Профессионал бокс бўйича халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб himoя қилаётган ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Руслан Чагаев навбатдаги жангда қитъалараро чемпионлик камарини қўлга киритди.

Ўта оғир вазнда дунёнинг энг кучли профессионал боксчилари сирасидан жой олган Руслан ўз фаолиятидаги йигирма иккинчи жангда – Германиянинг Гамбург шаҳрида Буюк Британия вакили Майкл Спроттга қарши рингга чиқди.

Мазкур баҳс ғолибига аталган совринга Жаҳон бокс ташкилотининг (WBO) "Asia Pacific" ҳамда Жаҳон бокс уюшмасининг (WBA) Руслан Чагаевга тегишли "Intercontinental Championship" қитъалараро чемпионлик камарлари қўйилди.

Ўн икки раундлик жангни ҳар икки боксчи кескин ҳужумлар билан бошлади. Бироқ, устунлик Руслан томонида бўлди. Ўзбек йигитининг кучли зарбаларини ўтказиб юборган Майкл Спротт беллашувнинг саккизинчи раундида техник нокаутга учради.

Навбатдаги жангни ўз фойдасига ҳал қилган Руслан Чагаев ўзига тегишли "Intercontinental Championship" чемпионлик камарини сақлаб қолиш билан бирга Жаҳон бокс ташкилотининг (WBO) "Asia Pacific" чемпионлик камарига ҳам эга бўлди.

ЎзА.



ЯНГИ РЕЙТИНГДА

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА терма жамоаларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унда Германияда футбол бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати натижалари ҳам инобатга олинган.

Биринчи поғонани ҳамон Бразилия терма жамоаси эгаллаб турибди. Италия терма жамоаси жаҳон чемпионатидаги ғалабаси эвазига ўн учинчи поғонадан иккинчи қаторга кўтарилди. Шунингдек, Аргентина футболчилари ҳам кучли учликка киритилди.

Осиё чемпионатининг саралаш босқичида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўн поғона юқорилаб, энг кучли эллик терма жамоа қаторидан жой олди. Бу кўрсаткич бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) терма жамоалари ўртасида футболчиларимиз учинчи ўринда бўлса, осиё футбол конфедерацияси аъзолари ўртасида эса, тўртинчи поғонада қайд этилган.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ – ШОҲСУПАДА

Стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Украина ва Молдовада ўтказилган халқаро турнирларда совринли ўринларни қўлга киритди.

Украина пойтахтида ўтказилган "Kiev open" халқаро турнирида мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Руминия, Хитой ва Молдова каби мамлакатлардан икки юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Унда терма жамоамиз бош мураббийси Саидикром Бурхонхўжаев шогирдларидан тўққиз нафари совринли ўринларни эгаллади. 1993 йилда туғилган қизлар ўртасида Нодира Бурхонхўжаева олтин медални қўлга киритган бўлса, Ирода Қаландаровага учинчи ўрин насиб қилди.

15 ёшгача бўлган болаларнинг финал баҳсида ҳамюртларимиз – Евгений Грудский ва Зоҳид Кенжаев ўзаро куч синашишди. Асосий учрашувда жамоадоши устидан ғалаба қозонган Евгений Грудский – бош соврин, Зоҳид Кенжаев эса кумуш медаль соҳиби бўлди.

ВЕЛОСПОРТЧИЛАР БАҲСИ

Тошкент вилояти йўллари бўйлаб ўсмирлар ва ёшлар ўртасида велошоссе бўйича ўтказилган мамлакат биринчилиги беллашувлари якунланди.

Ўсмирлар баҳсида совринли ўринларнинг аксарияти пойтахтлик спортчиларга насиб қилди. 25 километрга ўтказилган яккалик беллашувларида кучли учликни Тошкент шаҳри вакиллари – Темур Сайфутдинов, Дмитрий Лозовой ва Дмитрий Головин эгаллади. Улар 25 километрга ўтказилган жамоавий беллашувларда Дмитрий Меликов билан бирга яна олтин медалга сазовор бўлдилар.

52 километрлик пойгада чирчиқлик Денис Шайманов рақиблари – Дмитрий Лозовой ва Дмитрий Головинни ортда қолдириб, маррага биринчи бўлиб келди ва шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ёшлар ўртасида 25 километрга яккаликлар баҳсида чирчиқлик Николай Лупенко биринчи ўринни эгаллади.

ЎзА.

Фахрийлар ижодидан бир шингил

КОШКИ...

Сени гул дедим,
гулдай сақлай олсам, кошки,
Булбул дедим,
булбулдай ёқлай олсам, кошки!
Дурсан, дурдонасан,
ҳусн бобида ягонасан,
Қаддинг букмай, ҳуснинг тўкмай
ардоқлай олсам, кошки.
Омадим, бахту савлатим —
давлатим дединг,
Умиду ишончингни
оқлай олсам, кошки,
Жаннати пари, ғилмонсан,
малаксимонсан,
Сени ҳурдек пок
сақлай олсам, кошки,
Хамроҳингман, паноҳингман,
сипоҳингман,
Яхши-ёмон кунларингда
йўқлай олсам, кошки.
Кўкка қилиб парвоз,
юлдузингни олиб берсам — оз,
Кўнглингни қувончларга
тўқлай олсам, кошки.
Сени гул дедим, гулдай
сақлай олсам, кошки,
Булбул дедим, булбулдай
ёқлай олсам, кошки!

ДАВЛАТИМ

Субҳи саломинг — раҳматдир менга,
Ширин суҳбатинг ҳикматдир менга.
Сени бахтиёр кўриб қувондим,
Меҳр-мурувватинг қудратдир менга.
Ҳатто соямга поёндоз ёздинг,
Иззат-икроминг раҳматдир менга.
Шерикман, ишқинг билан тирикман,
Нозли боқишинг ғаниматдир менга.
Ардоғингда яйрадим, яшнадим,
Лутфу караминг ҳурматдир менга.
Чилвир сочингга боғла жонимни,
Ҳажр-фироқинг машаққатдир менга.
Сенинг борлигинг давлатдир менга,
Чин муҳаббатинг саодатдир менга.

Неъмат ЁҚУБОВ.

ТЎРТЛИКЛАР

Бахт ортидан елдим-югурдим,
Бар тутқазмай кетди йироқлаб.
Боғлагандим эл ишига бел,
Келди иқбол ўзи сўроқлаб.

* * *

Умр чегарали, ризқ ҳам ўлчовли,
Ортиқ яшамассан, дейдилар гоҳи.
Бир туп ниҳол эккан, ток кўкартирган
Кишининг ризқи бут, умридир боқий.

* * *

Кенгга кенгдир ва сўлим-кўркам,
Торга тордир бу чексиз олам.
Янгилик қил, ҳам бағрикенглик,
Қолмас абад шоҳу гадо ҳам.

* * *

Пайдар-пай тонг отар, қуёш ҳам ботар,
Сенинг измингдамас ҳаёт тизгини!
Амал вафо қилмас, асқотмас, асло,
Ишга сол ақлни, бир дам сезгини.

* * *

Юзидан нур ёғган жиддий одамнинг
Қай тарз сайқал топган ақл кўзгуси?
Ихтиролар қилар камситилса ҳам,
«Шоҳона яшаган» нени сезгуси?!

* * *

Хотирот ойнаси турар қаршингда
Афсусла кўрасан акс-тароватинг.
Ўтди беҳудага қанча фурсатинг
Энди оҳ чекарсан, йўқ фароғатинг.

ИККИЛИКЛАР

Имон бутун,
Имкон бутун.

* * *

Қилмагин хиёнат имон мулкига,
Қоласан умрбод таъна, кулгига.

* * *

Ихлос қўйса, мол-дунёга гар киши,
Ортса ортар, ҳеч камаймас ташвиши.

* * *

Қанча бўлсанг хокисор,
Шунча хорлар дилозор.

Ҳалил ҚАЮМОВ.

Шундан кейин

ТАБИИЙ ОФАТ ХУРУЖИ

Хитой жанубига ёпирилган «Билис» тўфони туфайли мамлакатнинг Хунань, Гуандун ва Фуцзянь вилоятларидаги 138 кишининг тақдири номаълум бўлиб турибди.

Маълумотларга кўра, бу ерда камида 177 киши ҳалок бўлган. Тайфундан азият чекканлар сони 20 миллиондан ортиқ, дейилмоқда хабарларда. 2 миллиондан ортиқ аҳоли ўз турар-жойларидан бехавотир жойга кўчирилди. Табиий офат туфайли кўрилган зарар миқдори 1,5 миллиард долларни ташкил этади.

ҚУШНИЛАРДА НИМА АЙБ?

Ўз жонига қасд қилган Нью-йорклик шифокор истиқомат қилаётган уйини портлатгач, якшанба куни шаҳар шифохоналаридан бирида жон берди.

66 ёшли Николас Барта Манхеттендаги уйида маиший газни портлатгач, ўзи ва тўрт қўшниси оғир жароҳатланди. Айбдор нима мақсадда бу ишга қўл ургани ноаниқлигича қолмоқда.

ДАНДОН СОПЛАР УРФ БЎЛГАЧ

Сўнгги пайтларда хитойлик харидорлар фил суягига бўлган талабни ҳаддан зиёд ошириб юборишди.

Зимбабведа улар томонидан 30 тоннадан зиёд фил дандонлари сотиб олинди. Бу тахминан 2250 жониворнинг тиши демакдир. Тобора ортиб бораётган эҳтиёжни қондириш учун браконьерлар Ботсванада ва Зимбабвега қўшни бошқа давлатлар ҳудудида ҳам ов қила бошладилар.

ПОЛИЦИЯГА ТИНЧЛИК ЙЎҚ

Монако полицияси номини сир тутган манбадан Монако маликаси Каролина фарзандлари ҳаёти хавф осида эканлиги ҳақида хабар олди.

Маълумотга кўра, аслзода болалар дам олиш кунларидан бирида ўғриланиши лозим эди. Полиция Каролинанинг уч фарзанди 22 ёшли Андреа, 20 ёшли Шарлотта ва 18 ёшли Пьерни ишончли муҳофаза қилинаётганини таъкидламоқда.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма театрида "Осиё тароналари" халқаро болалар фестивали якунланди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар саройи, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика байналминал маданият маркази, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуманда мамлакатимиз ҳамда Марказий Осиё давлатларининг қарийб уч юз нафар ёш истеъдод соҳиблари иштирок этди.

Юртимизда илк бор ўтказилган мазкур тадбир доирасидаги кўрик-танлов, концерт, учрашув ва кўргазмалар давомида болалар ўз истеъдодини, билим ва салоҳиятини намойиш этишди, кўплаб дўстлар орттиришди. Улар юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишишди.

Андижон шаҳридаги "Андиана" болалар ҳаваскорлик мусиқа жамоаси фестиваль Гран-присига лойиқ топилди. Фестивалнинг олий дипломи эса Қозоғистоннинг "Айналайин" фольклор-мусиқа жамоасига насиб этди.

"Энг яхши қўшиқ учун", "Энг яхши рақс учун", "Энг ёш ижрочи" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

КУЁВ СИНОВ

Шеркелбат йигит эшик қўнғироғини устма-уст босиб, чақирди:

— Полвон тоға, меҳмон келди, кутиб олинг.

Жангари беданасига чигиртка бераётган уй эгаси бепарво овоз берди:

— Кириворинг, эшик очиқ.

— Айбга буюрмайсиз, тоға, уйингизга бостириб киравердик. Ассалому алайкум, Дадамат полвон деганлари сиз бўласизми?

— Ҳа, биз бўламиз, марҳамат, хуш келибсиз.

— Ҳаваскор полвонман, сизни зиёрат қилгани келдим.

Полвонга жон кирди, кўкрагини керди.

— Звание, разрядингиз борми, йигит?

— Маҳалла чемпониман, — кулди йигит.

— Худо хоҳласа, жаҳон чемпиони бўласиз, — деди полвон, кейин ичкарига қараб бақирди:

— Хотин, меҳмон келди, кутиб олинглар.

Уй бекаси чиқиб, меҳмон билан кўришди.

— Яхши келдингизми, улим, бола-чақа совми?

— Чақа кўп, хола, — кулди йигит, — тенгим топилмаяпти.

— Хафа бўлманг, ука, сизга ҳам сочини тараб ўтирган қизлар топилиб қолар, — деди уй бекаси эри билан кўз уриштириб олиб.

— Кампирнинг дарди ғўзада дейдилар, — қорнини селкиллатиб кулди полвон. — Бойвуччамиз меҳмон йигит қизимизга мос экан, деяпти.

— Қизингизни оти нима, полвон ака? — сўради йигит.

— Оти... тилимни учида турувди-я сабилни, оти...



(Ҳажвия)

Эшик тирқишидан гапга қулоқ солиб турган Ойбарчин майин овоз билан «Ойбарчин» деди.

— Ҳа, ҳа, Ойбарчин, отасига тортган полвон қиз. Шу, негадир бахти очилмайроқ турибди-да.

— Қизингизнинг бахтини сиз боғлаяпсиз, манман деган совчиларни қувиб солаяпсиз, — деди уй бекаси қовоқ уйиб.

— Рост, — деди Ойбарчин паст овозда.

— Шартимга кўнмаса, нима қилай, — тутоқди полвон. — Талабгор бўлса келсин, мен минан яккама якка кураш тушсин, мени йиқитса, марҳамат, қизимни олсин. Ҳозирги қилтириқлар кураш деса, «вийт» айтиб қочиб қолади. Аввалги удумларимиз зўр эди: уйланадиган йигит ҳар томондан синаб кўриларди: тўнка ёрдириларди, қиз билан тортишмачоқ ўйнашарди. Ҳозир ҳамма нарса техникани бўйнига юклатилган. Одамлар ҳатто уй томига ҳам лифтда чиқишади, уят, позор! Менга қаранг йигит, келинг, қадимги удумни янги маънода бошлаймиз, илгари куёвга тўнка ёрдириб синар эканлар, ҳозир тўнка анқога шаъфе. Шунинг учун бўлажак қайнота, яъни мен сиз билан иккимиз кураш тушамиз, мени йиқитсангиз Ойбарчин сизнинг жуфти ҳалолингиз бўлади, сизни йиқитсам, келган жойингизга «фишт», маъқулми?

Бўлажак қайнота-куёв шарт-шурт қўл ташлашди, ҳаёт-мамот кураши бошланди.

— Ёшингиз улуғ экан, сиздан бўлсин, қани, бошланг.

— Куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган, сиздан бўлсин.

— Сизни йиқитсам, қизингиздан қуруқ қоламан-ку.

— Шогирд устоздан ўтиши керак.

— Оталик ҳурматингиз бор, йиқилиб бераман.

— Унда аҳдимиз нима бўлади, полвон?

— Бошқа қиз топаман.

— Майли, орият учун йиқилиб беринг.

— Майли, иккимиз тенг йиқилиб берамиз.

Икки полвон тенг йиқилди.

— Ҳайрият, чолим йиқитди, — деди уй бекаси.

— Устоздан шогирд ўзди, урра, — деди Ойбарчин чапак чалиб.

Полвон белини уқалаб енгилганини тан олди:

— Полвон халқи мард бўлади, азизлар, мен йиқилдим, бош ёрилса, бўрк ичида дегандай, «куёв бола енгди». Қани, тўй ҳаракатини бошлайверинглар, азаматлар!

Абдулла ИСОМИДДИН.

Bolalik bog`i

QOZIQ

(Hikoya)

Qishloqqa qaytayotgan poda ichida Sardorning sigir-buzog`i bor, ammo o`zi ko`rinmas edi. Poda ortida bir-biriga gal bermay bijirlayotgan bolalar endi Sardorni eslashdi.

Davron mollarni qishloq tomon haydab ketdi. Ashur Nabi bilan orqaga qaytishdi. Sardor soyliqda nimadir izlar edi. Bir qo`li bilan burnini artar, ikkinchi qo`li bilan chim ustini paypaslardi.

— Nima balo, zoldir yo`qotdingmi? — dedi Nabi kulib.

— Ko`zimga chirkak kiribdi, — deya Sardor ko`z yoshini yashirmoqchi bo`ldi.

U yangi qozig`ini yo`qotgan edi. Sigiri ko`p sut beradi, yaxshi tomoni — xo`ra, tomoq tanlamaydi. Faqat boshi qattiq, sudrab ketaveradi. Shuning uchun Sardorga dadasi Ma'di temirchidan yangi qoziq olib beruvdi. Ehtiyot qilib tut, halqasi sinmasin, deb tayinlagan edi.

Sardorning xayolida qoziqni o`rtoqlaridan birortasi o`g`rilagan yoki yashirib qo`ygandek edi. Bolalar jing`il tagini, buloq boshini ikki-uch marta qidirib chiqishdi. Zovurdagi qurbaqalarning nag`masi quloqni qoqadi. Qamish shitirlaydi. Atrofni zulmat qoplay boshladi. Eti uvishdimi yoki vahima bosdimi, Nabi «ertaga qidira qolarmiz», dedi.

Sardorning tarvuzi qo`ltig`idan tushib, noiloj bolalarga ergashdi. Haqiqatdan qoziq bejirim, ixcham ishlangan, hammaning havasini keltirar edi.

Sardor o`zicha og`aynilari bilan yaqin kunlardagi har bir munosabatni eslab chiqdi. Davrondan kechagina bir dasta konfet qog`ozini yutib olgan edi. Yo`q, balki o`g`ri Ashurning o`zimikan-a?! Bir gal chillak o`ynab, o`rniga Sardorni zuvillatmoqchi bo`lganida, u ko`nmagan edi. Nabi ham nuqul Sardorning to`piga suqlanib qarardi...

Erta bilan bir burda suvi qochgan nonni qo`yniga soldi-da, mollarini dalaga haydadi. Oyisining qoziqni ol, yana govmish bezor qilmasin, deganini eshitgisi yo`q. Sardor o`rtoqlarini ham kutmay ancha nari ketdi. Bir mahal orqadan Baxtiyor ukasining baqirgani eshitildi.

— Aka, qoziqni ola keti-n-ng!

Baxtiyorning qo`lida Sardor yo`qotgan qoziq yaraqlardi.

Muhayyo TO`LAGANOVA, Yangiyo`l tumanidagi 3-maktab o`qituvchisi.

Пишлоқли қўзиқорин

Керакли масаллиқлар: 250 гр. қўзиқорин; 1 бош пиёз; 1 қошиқ сариёғ; 250 гр. майда помидор; 4 та тухум; 1 боғ кўк пиёз; 4 ош қошиқ сливки; 200 гр. пишлоқ; таъбга қараб туз ва мурч.

Тайёрланиши: ювилган қўзиқоринлар тўрт бўлакка бўлинади. Аввалдан артиб қўйилган пиёз куб шаклида тўғралади. Товада сариёғ эритилиб, 3 дақиқа мобайнида пиёз ва қўзиқорин қовурилади. Унга помидор қўшилиб, қовуриш яна 2 дақиқа давом эттирилади. Тухум кўпиртирилиб, унга тўғралган кўк пиёз, сливки, туз ва мурч солиниб аралаштирилади.

Тухумли аралашма қовурилаётган сабзавотлар устига солинади ва устидан куб шаклида тўғралган пишлоқ сепиб чиқилади. 5 дақиқага товаининг қопқоғи ёпиб димланади.

Тайёр бўлган ушбу таомни дастурхонга тортишдан аввал чиройли ликопчаларга солинади ва усти кўкатлар билан безатилади. Бундай таом калорияга жуда бой бўлиб, тез ҳазм бўлади.

Ёқимли иштаҳа!

Бир қайнов ичидаги гаплар

Ширакайф Ўжаркул «Қирқ йил қирғин бўлса ҳам, ажали етган ўлади», деб кўчани кесиб ўтаётган эди, машина уриб кетди.

* * *

Ёшлигида отасининг елкасига миниб олган Тойлоқбой «машина обермасангиз елкангиздан тушмайман», деб ультиматум қўйди.

* * *

Озодлик нашидасини сураётган хотин-қизлар «Сочи узун, ақли калта» деган таънадан қутилиш учун сунбул сочларини шартта кестириб ташламоқдалар.

* * *

Бир қур рашкчи Отауллалар уйланиб олгандан кейин, хотинчаларини «остонаси тилло» уйдан чиқармай қўядилар.

* * *

Қўпол бошлиқнинг гапини полвонлар ҳам кўтара олмайди.

* * *

«Сўнгги нафасим қолгунча ўз постимни ташлаб кетмайман», деди Бозор паттачи.

* * *

Жувон қўлбола ўчоқда тўнтарилган қозонни қуйдирар, ичкаридан маст эрининг «Ўртар» ашуласи эшитиларди.

* * *

Эр уйга ширакайф бўлиб қайтди.

— Қаерларда санқиб юрибсиз? — сўради дарғазаб хотин.

— Ресторанда ўртоғимнинг туғилган кунини нишонладик.

— Унда нега лабингиз қизил?

— Қизил лавлаги солинган салат еган эдим...

Абдулла ҚОРАТОЙ тайёрлаган.

Юнусобод туманидаги 327-мактаб томонидан 2005 йилда Хидоятов Акром Акбарович номига берилган U 1543650 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги 327-мактаб томонидан 2005 йилда Хикматов Рахимжон Рахматжон ўғли номига берилган U 1543751 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги 327-мактаб томонидан 2005 йилда Комилов Шухрат Мирвохидович номига берилган U 1543608 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги 327-мактаб томонидан 2005 йилда Назарова Умида Миршухратовна номига берилган U 1543640 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги 327-мактаб томонидан 2005 йилда Нурмухамедов Ахрор Боситович номига берилган U 1543764 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур туманидаги қурилиш техникуми томонидан Дурманбаев Серик Музаппарович номига берилган НТ-1 228528 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 3003. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5